

«ТАШКИЛИЙ РЕЖА ВА МЕНЕЖМЕНТ» мавзусидаги

МАЪРУЗА

Маърузачи: Ғ.Дусмуратов

X -мавзу. ТАШКИЛИЙ РЕЖА ВА МЕНЕЖМЕНТ

- **Режа**
- **10.1. Вазифаси ва асосий қоидалари**
- **10.2. Бошқарувни ташкил этиш**
- **10.3. Кадрлар сиёсати ва персонални бошқариш**

- **10.1. Вазифаси ва асосий қоидалари**

-
- Маҳсулотни ишлаб чиқариш режаси бизнес-режанинг муҳим бўлими бўлиб, одатда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхона томонидан ишлаб чиқилади. Ушбу бўлимда корхонанинг ишлаб чиқариш стратегияси акс эттирилиб, ишлаб чиқариш жараёни технологик ва ташкилий нуқтаи назардан батафсил баён қилинади. Ишлаб чиқариш режасининг асосий вазифаси корхонанинг белгиланган муддатда керакли маҳсулотни керакли миқдорда ишлаб чиқариш имкониятларини асослаб беришдан иборат.
- Ишлаб чиқариш режаси бўлими қуйидаги тузилмага эга бўлиши мумкин: ишлаб чиқариш технологияси; ишлаб чиқариш кооперацияси; ишлаб чиқариш жараёни назорати;
- атроф муҳит муҳофазаси тизими; ишлаб чиқариш дастури;
- ишлаб чиқариш режасининг ишлаб чиқариш қувватлари билан асосланиши; ишлаб чиқариш режасининг ресурслар билан таъминланганлиги. харажатлар башорати.

- **Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми** қуйидаги формулага асосан ҳисобланади:
- $Q_{\text{туг}} \text{ қ } Q_{\text{с}} \times T_{\text{д}} \times \text{ТН}_{\text{р}} \times K_{\text{мах}}$
- бу ерда:
- $Q_{\text{туг}}$ - тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми, сўм;
- $Q_{\text{с}}$ - ўртача 1 суткада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, ўлчов бирликларида;
- $T_{\text{д}}$ - ишлаб чиқариш даври (цикли) муддати, кун;
- $\text{ТН}_{\text{р}}$ - режадаги маҳсулот таннарни, сўм/бирл.;
- $K_{\text{мах}}$ - маҳсулот бўйича харажатлар ўсишининг ўртача коэффициенти (0,5 - 0,75 атрофида).
- **Ялли маҳсулот** қуйидагича аниқланиши мумкин:
- $Q_{\text{я}} \text{ қ } Q_{\text{тм}} \pm \Delta Q_{\text{туг}}$
- бу ерда: $\Delta Q_{\text{туг}}$ - йил бошида ва йил охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларининг ўзгариши.

- **10.2. Бошқарувни ташкил этиш**
- **Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати** бу белгиланган муддат ичида тайёрланиши мумкин бўлган маҳсулот бирлиги ёки ҳажмидир. Қисқа вақт учун олинган корхона қувватлари доимий катталиқ бўлиши мумкин. Бунда ишлаб чиқариш ҳажми ва чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ўзгарган сари ўзгартиришлар киритиш зарурлигини назарда тутиш керак.
- Корхонанинг зарур қувватларини аниқлаш қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда техник-иқтисодий тадқиқотлар давомида амалга оширилади:
 - муайян маҳсулот тури учун бозорга кириб бориш даражаси ва талаб башорати;
 - талаб қилинувчи ресурсларнинг мавжудлиги;
 - ишлаб чиқариш тури (доналаб, серияли ва ҳоказо);
 - чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат тури;
 - қўлланаётган технология; мазкур ишлаб чиқаришнинг ўзини қопловчи (рентабелли) минимал ҳажми.

- Корхонанинг **бошланғич** (йил бошидаги), **чиқиш** (йил охиридаги), **ўртача йиллик** ва **лойиҳа қувватини** ажратиб кўрсатиш мумкин. Булардан охиргиси қурилиш лойиҳасида кўрсатилган қувватдир. Қайта таъмирлаш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашдан сўнг лойиҳа қувватига ўзгартириш киритиш мумкин. Шу сабабли амалиётда кўпинча лойиҳа қуввати корхонанинг амалдаги қуввати билан таққослаб кўрилади. Корхонанинг амалдаги қуввати ишлаб чиқариш дастурини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.
- Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати одатда етакчи (асосий) цехларнинг қувватига, цехлар қуввати эса етакчи участкалар қувватига, участкалар қуввати эса етакчи асбоб-ускуналар қувватига асосан аниқланади.

- **10.3. Кадрлар сиёсати ва персонални бошқариш**
-
- Ишлаб чиқариш дастури ҳисоб-китоб қилинган ва қувватлар танлангандан сўнг моддий ресурсларга эҳтиёж аниқланади. Ресурсларга бўлган талабни, эҳтиёжларни ҳисоблаш қуйидагилар бўйича амалга оширилади:
- айланма маблағларга талаб, эҳтиёж (асосий ва ёрдамчи материаллар, масалан, хом-ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар);
- узоқ муддатли активларга талаб, эҳтиёж (асосий ишлаб чиқариш фондлари);
- иш ҳақи тўловлари учун маблағларга талаб.
- Ресурсларга эҳтиёжни аниқлаш учун **детерминант** (норматив), **статистик ва эмпирик** (тажриба асосидаги) каби турли усуллар қўлланиши мумкин.

- **Моддий заҳиралар ҳажмини аниқлаш.** Заҳиралар асосан ишлаб чиқариш жараёнини номаълум характерли харидларга боғлиқлигини камайтириш, технологик ишлов бериш бўйича келгуси операцияларни ишлаб чиқариш босқичидаги аввалги хатолардан мустақил бўлиши, шунингдек, харидорлар талаби барқарор бўлмаган ҳолларда тайёр маҳсулотнинг барқарор таклифини таъминлаш учун мўлжалланади.
- Моддий заҳираларни режалаштиришда уларнинг оптимал ҳажмига риоя қилиш керак, чунки заҳираларнинг камайиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишда узилишларга сабаб бўлиши, ортиқча заҳираларнинг тўпланиб қолиши эса айланма воситаларнинг боғланиб қолиши, кредиторлик қарзларининг кўпайиши, материалларни олиб келиш ва сақлаш учун харажатларнинг ортишига олиб келиши мумкин. Бу эса корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлаштиради.

**E'TIBORLARINGIZ UCHUN
RAHMAT!**